



Тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга ажратилаётган кредит маблағлари таъминоти учун гаровга қўйилаётган автотранспорт воситаларини суғурталаш
Қоидаси
(18.02.2025 йилдаги 49/30/01/001 – сонли Бош шартномага асосан тасдиқланган)

1-БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредит маблағлари таъминоти учун гаровга қўйилаётган автотранспорт воситаларини суғурталаш бўйича Қоидалари (кейинги матнларда Қоидалар) суғурта фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги мувофиқ ҳамда умумий суғурта соҳасининг 3 классига мувофиқ ишлаб чиқилган ва автотранспорт воситаларини суғурталаш қоида ва шартларини ифодалади (аниқлайди).

1.2. «MY-INSURANCE» АЖ СТ (кейинги ўринда “Суғурталовчи”), Мазкур Қоидалар асосида, кўрсатилган миқдор ва муддатда суғурта мукофоти тўланиши шарти билан, Бош шартномага асосан тасдиқланган Қоидада назарда тутилган шартлар ва/ёки ушбу Қоиданинг ажралмас қисми бўлган қўшимча келишилган шартлар, истиснолар ва иловаларга мувофиқ, Суғурталовчи, суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурта қилдирувчи/Наф олувчига ушбу Қоидада кўрсатилган тартибда ва ҳажмда зарарларни қоплаб бериш мажбуриятини олади.

1.3. Томонлар ушбу Қоиданинг 1-иловасида кўрсатилган кредит шартномаси бўйича гаровга қўйилаётган транспорт воситаси суғурта предмети эканлигига розилар.

2-БЎЛИМ. ТАЪРИФЛАР

Қуйида келтирилган, ушбу қоидада фойдаланилган атамалар, агар бошқача келишилмаган бўлса, қуйидаги маъноларга эга:

2.1. Суғурта полиси – Суғурталовчининг суғурта товони тўлаш бўйича мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи, Суғурта қилдирувчига суғурта мукофоти тўлангандан кейин бериладиган ҳужжат.

2.2. Суғурта пули – Суғурталовчининг суғурта Полиси бўйича мажбуриятлари ҳажмининг чегарасини акс эттирувчи пул маблағлари миқдори.

2.3. Суғурта мукофоти – Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи Суғурталовчига суғурта Полиси билан келишилган тартиб ва муддатда тўлаши шарт бўлган суғурта учун тўлов.

2.4. Суғурта ҳодисаси – Суғурталовчан транспорт воситасининг суғурта муддати мобайнида бевосита ушбу Қоиданинг 3 – бўлимида келтирилган қалтисликлардан тўғридан – тўғри жисмоний шикастланиши, йўқотилиши ёки нобуд бўлиши натижасида Суғурта қилдирувчи / Наф олувчининг мулкӣ манфаатларига зарар етиши.

2.5. Суғурта товони – Суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчи / Наф олувчининг зарарларини қоплаш учун тўланадиган пул маблағлари миқдори.

2.6. Суғурта қилдирувчи – Суғурталовчи билан суғурта шартномасини тузган ва Суғурталовчи билан аниқ суғурта муносабатларига кирувчи жисмоний ва юридик шахслар.

2.7. Наф олувчи – Суғурта қилдирувчи томонидан Бош Шартнома бўйича суғурта товонини олувчиси сифатида тайинланган ва Бош Шартномада кўрсатилган шахс.

2.8. Шартсиз франшиза – Суғурта шартномасида назарда тутилган, Суғурталовчи томонидан қопланмайдиган Суғурта қилдирувчи зарарларининг бир қисми.

2.9. Суғурталанган транспорт воситаси – ишлаб чиқарувчи завод тўпламидаги, гаровга қўйилаётган ва ушбу Қоиданинг 1-илоvasида кўрсатилган транспорт воситаси (қўйида – «суғурталанган транспорт воситаси» ёки «транспорт воситаси»). Такси хизматларини кўрсатиш мақсадида фойдаланиладиган, ижарага бериладиган, тест-драйв, мусобақалар учун фойдаланиладиган транспорт воситалари суғурта химоясига олинмайди ва Компания транспорт воситаси суғурта қилинганлиги учун жавобгар бўлмайди.

2.10. Ҳайдовчи – Суғурталанган транспорт воситасини бошқаришга рухсат берадиган тоифали ҳайдовчилик гувоҳномасига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталанган транспорт воситасини бошқариш рухсатномасига (ишончнома ва/ёки йўл варағига) эга бўлган шахс.

2.11. Суғурта шартномаси амал қилиш муддати – Суғурта шартномаси амалда бўладиган давр.

2.12. Суғурта муддати – Суғурта полисида кўрсатилган давр. Ушбу Қоида билан шартлашилган суғурта, мазкур шартнома кучга киргандан кейин содир бўлган суғурта ҳодисаларига нисбатан тадбиқ этилади ва суғурта полисида кўрсатилган суғурта муддати мобайнида амалда бўлади.

2.13. Географик ҳудуд – Суғурта полиси амалда бўладиган ҳудуд. Ушбу Қоида бўйича, агар бошқа шартлар келишилмаган бўлса, Географик ҳудуд бўлиб Ўзбекистон Республикаси ҳисобланади.

2.14. Учинчи шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари – Суғурталанган транспорт воситаси ёки унинг алоҳида қисмларининг учинчи (ўзга) шахслар томонидан ёндирилиши, синдирилиши, бузилиши, ўзлаштирилиши, шунингдек учинчи шахсларнинг қонунга зид/ҳуқуқбузарлик/ноқонуний ҳаракатлари натижасида йўқотилиши ёки шикастланиши.

2.15. Учинчи шахслар – Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи / Ҳайдовчидан бошқа ҳар қандай шахслар.

2.16. Йўл-транспорт ҳодисаси – Транспорт воситасининг йўлдаги қатнови жараёнида содир бўлиб, одамларнинг ўлими ёки уларнинг соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юклар шикастланишига ёки бошқача тарзда моддий зарар етказилишига сабаб бўлган ҳодиса.

2.17. Товар кўринишининг йўқотилиши – Суғурта ҳодисаси натижасида олинган шикастланишларни, шунингдек об-ҳаво ва/ёки доимий таъсир этувчи омиллар натижасида юзага келган зарарни бартараф этиш мақсадида суғурталанган транспорт воситасини таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга оширилиши оқибатида транспорт воситасининг ҳақиқий қийматининг йўқотилиши ва/ёки бошқа зарарни англатади.

2.18. Табиий ёнғин – табиий офатлар натижасида келиб чиққан ёнғин. Бу табиий омиллар, масалан чақмоқ ёки қуруқ об-ҳаво шароитлари натижасида юзага келадиган ёнғинлар.

3-БЎЛИМ. СУҒУРТА ҲИМОЯСИ

3.1. Мазкур Қоида шартларига кўра, Суғурталовчи Қоиданинг 1-илоvasида кўрсатилган суғурталанган транспорт воситасига суғурта химоясини билвосита қўйидаги қалтисликлар натижасида суғурта ҳодисаси содир бўлганда тақдим этади:

- Табиий офатлар: ёнғин, портлаш, яшин уриши, сув босиши, бўрон, довул, ёмғир, дўл, қалин қор ёғиши, сел, зилзила, ер силжиши, кўчки;
- йўл-транспорт ҳодисаси;
- учинчи шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари.

3.2. Махсус қўшимча шарт:

Ушбу билан Қоида бўйича томонлар мустақил қисмлар, тизимлар, боғловчи қисмлар, мосламаларга (олиб қочишга қарши ускуналар, автомагнитолалар, овоз кучайтиргичлар, карнай(динамик)лар, спорт дискалари, ҳар қандай турдаги антенналар ва ҳоказоларга) етказилган зарар, агар улар ишлаб чиқарувчи завод томонидан ўрнатилмаган, суғурталанган транспорт воситаси тўпламига киритилмаган ёки ушбу Қоида билан қўшимча жиҳоз сифатида суғурталанмаган бўлса, ушбу Қоида бўйича қопланмаслигини тасдиқлайдилар ва бунга рози бўладилар.

4-БЎЛИМ. УМУМИЙ ИСТИСНОЛАР

4.1. Ушбу Қоида билан қуйидаги шарт-шароитда суғурталанган транспорт воситасига етказилган зарарлар қопланмайди:

а) суғурталанган транспорт воситаси ихтёрида бўлган Суғурта қилдирувчи/Ҳайдовчининг ёки Наф олувчининг суғурта ҳодисаси содир бўлишига йўналтирилган, қасддан қилган ҳаракатлари, ўз фуқаролик бурчини адо этиш ёки Суғурта қилдирувчи/Ҳайдовчи ёки учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, номуси ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар бундан мустасно;

б) Суғурта қилдирувчи ва/ёки Наф олувчи томонидан суғурталанган транспорт воситаси ҳақида аввалдан ёлғон эканлиги маълум бўлган маълумотларни хабар қилиниши;

в) исталган шаклдаги алкогольли, гиёҳвандлик ёки токсик мастлиги ҳолатида ёки реакция тезлигини ва диққатини пасайтирувчи дори препаратларининг таъсирида бўлган Ҳайдовчининг автотранспорт воситаларини бошқариши, бетоблик ёхуд қаттиқ чарчоқ ҳолатида бошқариши, тиббий кўриқдан (мастлик ҳолатини аниқлаш бўйича экспертизадан) ўтишдан бош торца ёки ўтмаган/қонунчиликда белгиланган муддат (4 соат ичида) оътмаган бўлса;

г) ТВ га ўрнатилган газ ускуналарининг (балон) портлаши, ёниши, газнинг сизиб чиқиши оқибатида юзага келган ҳар қандай зарарлар.

д) ТВнинг двигател ва электр тармоқлари қисмида ҳар қандай турдаги қисқа туташув натижасида юзага келган зарарлар;

е) Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи / Ҳайдовчи ёки суғурталанган транспорт воситасидан фойдаланиш ёки уни бошқариш ишониб топширилган шахс томонидан фирибгарлик ҳаракатлари ёки ҳар қандай ёлғончилик;

ж) ҳайдовчининг темир йўлдан ўтишда йўл ҳаракати қоидасини бузиши, светофорнинг тақиқловчи чироғида ҳаракатланиши ва йўлнинг қарама-қарши ҳаракат йўл тасмасига чиқиб ҳаракатланиши шу жумладан чиқиб кетиши;

з) Суғурталанган транспорт воситасининг ушбу қоидага амал қилишидан аввал бўлган носозлиги ёки нуқсонлари бу ҳақида Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи/Ҳайдовчи билганлиги ёки билмаганлигидан қатъий назар;

и) суғурта қилинган ТВ ни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ транспорт воситасини бошқаришга ҳуқуқи ва руҳсати (ҳайдовчилик гувоҳномаси, ишончнома, йўл варақаси, мажбурий суғурта полиси ва бошқалар) бўлмаган шахс томонидан бошқарилиши. Мазкур банднинг қоидалари суғурта қилинган ТВ ўғирланган тақдирда қўлланилмайди;

к) Ўзбекистон Республикаси Йўл ҳаракати қоидаларинининг 78, 79, 80, 81 бандларида кўрсатилган транспорт воситаларнинг тезлик ҳаракати қоидасини бузиши ва қувиб ўтиш, қизил чироқ, қарама қарши ҳаракатланиш қоидасини бузиш;

Ушбу Шартнома бўйича ғилдиракларнинг ва/ёки шиналарнинг қатнов йўлининг нотекислиги ёки ёмон ҳолати, ўткир буюмларни босиши ва ш.к. сабабли зарарланиши, агар бу суғурталанган транспорт воситаси шикастланиши ёки нобуд бўлишига олиб келмаса, қопланмайди.

л) автотранспорт воситасининг ўғирланиши, унинг учинчи шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари оқибатида йўқ қилиниши ёки шикастланиши ҳамда жисмларнинг келиб урилиши натижасида, агар ваколатли органларга (ИИБ, ЙХХБ, ФВБ, ЁХХБ) қонунчиликга мувофиқ ўрнатилган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса, шунингдек агар ушбу ҳолат ваколатли органлар томонидан тасдиқланмаган бўлса;

м) Йўл транспорт ходисаси содир бўлганда Қарздор/Ҳайдовчи томонидан ушбу содир бўлган ходиса бўйича Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг 2021 йил 27 сентябрдаги 609-сонли қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситалари егаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар” га асосан “Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома” (Европротокол) тартиби бўйича расмийлаштирилиши.

4.2. Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига (Наф олувчига) суғурта товонини тўлашни рад этишга ҳақлидир, агар:

а) суғурталанган автотранспорт воситаси Суғурталовчи билан ёзма келишувсиз лизингга, ижарага ёки гаровга берилган бўлса;

б) буюмларнинг зарбаси натижасида автотранспорт воситаси ойналари, ёритиш чироқлари ҳамда кузовида ҳосил бўлган нуқтали, чизиқли шикастланишлар учун, бундан шикастланишлар натижасида

ойна, ёритиш чироқларнинг ени ёки бўйига тўлиқ чизикли шикастланиш ҳосил бўлган ва бирор қисми узилиб тушган (ойналар учун чизикли шикастланиш 20 см дан кам бўлмаган), кузовдаги чизикли шикастланишлар натижасида тешиклар ҳосил бўлган шикастлар мустасно.

в) Суғурта қилдирувчи Суғурталовчини суғурта ҳодисаси юзага келганлиги ҳақида шартномада кўрсатилган вақтда (72 соат ичида) ёъзма/оғзаки ҳабардор қилмаган бўлса;

г) ТВни ҳаракатланиши/ йоҳуд ҳараказиз турган вақтида йўлига ҳайвонлар (ит, қўй, мол ва ҳ.к.з)нинг чиқиб кетиши натижасида шикастланиши зарар етиши;

д) Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи транспорт воситасидан бошқаришни ўргатиш ёки мусобақа ва синовларда қатнашишда фойдаланиши;

4.3. Ушбу Қоида суғурталанган транспорт воситасига қўйидагилар натижасида етказилган тўлиқ ёки қисман зарарни (йўқотишни) қопламайди:

а) ҳарбий босқинчилик ҳаракатлари, ҳарбий ҳаракатлар ёки ҳарбийга ўхшаш ҳаракатлар (уруш эълон қилинганлиги ёки қилинмаганлигидан қатъий назар), фуқаролик уруши;

б) ғалаён, фуқароларнинг оммавий тартибсизликлари, миллий тавсифдаги иш ташлашлар;

в) шахс ёки гуруҳ томонидан амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари;

г) амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси суд идоралари қарорига мувофиқ суғурталанган транспорт воситасини мажбурий олиб қўйилиши оқибатида мулкдорликдан доимий ёки вақтинчалик маҳрум бўлиш.

4.4. Махсус истиснолар:

Қўйидагилар суғурта ҳодисалари деб тан олинмайди:

а) транспорт воситасини, унинг алоҳида қисмлари ва боғловчи қисмларини улардан фойдаланиш ва/ёки фойдаланмаслик оқибатида табиий эскириши;

б) суғурталанган транспорт воситаси товар кўринишининг йўқотилиши ва ишлаб чиқарувчи завод йўл қўйган нуқсон;

в) Суғурта қилдирувчи/Наф олувчининг суғурталанган транспорт воситасини такомиллаштириш билан боғлиқ ҳаражатлари;

4.5. Агар зарар миқдори ўрнатилган франшиза миқдоридан ошмаса, Суғурталовчи суғурта товони тўловидан озод бўлади. Франшиза миқдори зарар миқдоридан кам бўлса, суғурта товони тўланаётганда франшиза миқдори тўланиши лозим бўлган суғурта товонидан чегириб қолинади.

4.6. Суғурталовчи ушбу Қоидада кўрсатилмаган ва/ёки тавсифланмаган ҳар қандай мажбуриятга нисбатан ўз зиммасига мажбурият олмайди. Суғурталовчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда ҳам суғурта товони тўловидан озод бўлади.

5-БЎЛИМ. СУҒУРТА ПУЛИ, СУҒУРТА МУКОФОТИ, ФРАНШИЗА

5.1. Суғурта мукофоти (ёки унинг биринчи қисми) суғурта шартномаси имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) иш кунидан ошмаган муддатда тўланиши шарт.

5.2. Шартномада ҳар бир суғурта ҳодисаси бўйича шартсиз франшиза ўрнатилиши мумкин.

5.3. Мазкур Қоидада мувофиқ суғурта суммаси ва суғурта мукофоти Наф олувчи томонидан тақдим этиладиган Қарздорлар рўйхатига асосан белгиланади. Суғурта суммаси Қарздорларнинг ҳар бирига алоҳида бериладиган суғурта полисларида акс эттирилади.

5.4. Суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан тўланади.

5.5. Суғурта мукофоти тўлиқ ҳажмда тўланмаганда Суғурталовчининг жавобгарлиги у тўланган қисмга мутаносиб белгиланади.

5.6. Ҳар бир Қарздор бўйича алоҳида суғурта полислари тегишли ҳужжатлар асосида ва суғурта мукофотининг мазкур Қарздорлар бўйича тўланганлиги шarti билан берилади.

5.7. Суғурта тарифи бир йилга 1 % (бир фоизи)ни ташкил қилади.

5.8. Шартнома бўйича барча ҳисоб-китоблар сўмда олиб борилади.

5.9. Суғурта жавобгарлиги даражаси Суғурталовчи томонидан тўланган ҳар бир суғурта товони миқдорига мутаносиб равишда камайиб боради. Суғурта қилдирувчи томонидан қўшимча суғурта мукофоти тўланганда суғурта жавобгарлиги даражасини дастлабки даражагача етказиш мумкин.

5.10. Агар Суғурта қилдирувчи Қоида шартларига мувофиқ суғурта мукофотининг навбатдаги қисми (транши)ни ўз вақтида тўламаган бўлса, мазкур суғурта полиси Суғурталовчи томонидан бир тарафлама бекор бўлган ҳисобланади ва Суғурталовчи ушбу суғурта шартнома бўйича жавобгарлик олиб

бормайди.

5.11. Навбатдаги суғурта бадали (навбатдаги транш) тўланганидан сўнг суғурта шартномаси қайта кучга киради, лекин суғурта шартномаси тўхтатилган кундан кейинги транш тўлангунгача бўлган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта компанияси жавобгар ҳисобланмайди. Навбатдаги бадал (транш суммаси) ўз вақтида тўланмаган тақдирда ҳодиса юзага келса, ҳодиса юзага келгандан сўнг навбатдаги транш тўланишидан қатъий назар суғурталовчи ўша даврда (кейинги транш ўтказиб юборилган давр) юзага келган суғурта ҳодисалари бўйича жавобгарлик олиб бормайди.

6-БЎЛИМ. БОШ ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА СУҒУРТА ПОЛИСИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ

- 6.1. Мазкур Қоидаларга асосан суғурталаш муддати суғурта полисида белгиланади.
- 6.2. Суғурта шартномасини тузиш Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига унинг ёзма маълумотларига (1-Илова) асосан Суғурталовчи имзолаган, Бош шартнома шартларини ўз ичига олган Суғурта полисини (2-Илова) топшириш йўли билан тузилади.
- 6.3. Суғурта қилдирувчи Суғурта Аризасини тўлдириш вақтида Баҳолаш далолатномаси ва Кредит шартномаси нусхасини Суғурталовчига тақдим этади.
- 6.4. Суғурта мукофоти Суғурталовчининг ҳисоб рақамига келиб тушган кун ичида Суғурта қилдирувчига электрон суғурта полиси ёзиб берилади.
- 6.5. Суғурта полиси Кредит шартномаси амал қилиш муддатидан кам бўлмаган муддатга берилади. Суғурта полисида хавф-ҳатар/қалтисликлар тури аниқ кўрсатилиши шарт.
- 6.6. Суғурталовчининг ушбу шартнома бўйича суғурта жавобгарлиги суғурта полисида кўрсатилган суғурта мукофоти тўлиқ тўланган кейинги кун соат 00:00 дан бошлаб кучга киради.
- 6.7. Суғурта қилдирувчи Суғурта полисини йўқотган ҳолда, унинг ёзма равишдаги аризасига асосан, Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига Суғурта полисини кўчирма нусхасини (дубликатини) ёзиб беради. Йўқотиб қўйилаётган Суғурта полиси бекор қилиниб, у бўйича қеч қандай Суғурта товони тўланмайди.
- 6.8. Бош шартнома томонларнинг ёзма хабарномаларига асосан ҳар қандай ҳолатда тўхтатилиши мумкин. Бунда хабарнома берувчи, Суғурта қилдирувчининг ёзма розилигини олган ҳолда, томонларни шартнома бекор бўлишидан 30 (ўттиз) кун олдин ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Шартнома тарафлар ўртасида бекор қилиш тўғрисидаги келишув битими имзоланганидан сўнг бекор бўлади.
- 6.9. Агар Суғурта шартномаси бўйича Суғурталовчи суғурта товонини бундай тўлов суммасидан қатъий назар тўлаган бўлса ёки унда суғурта ҳодисаси юз бериши муносабати билан суғурта товонини тўлашга доир мажбурият бўлса, суғурта мукофоти қайтарилмайди.
- 6.10. Суғурта полиси қуйидаги ҳолларда ўз кучини йўқотади:
амал қилиш муддати тугаганда;
Суғурталовчи Суғурта полисидаги мажбуриятларини тўлиқ бажарганида;
Суғурта қилдирувчининг мажбуриятларини агар учинчи шахс қабул қилмаган бўлса Суғурта қилдирувчи/Қарздор (жисмоний шахс) вафот этганда;
Суғурта қилдирувчи Суғурта мукофотини Суғурта полисида белгиланган муддатларда тўламаганда;
Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига Суғурта товони тўлиқ тўланганда;
Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳолларда.
- 6.11. Суғурталовчи ҳамда Суғурта қилдирувчи суғурта шартномаси (полиси)ни муддатидан олдин бекор қилиш ҳуқуқига эга. Хар қандай ҳолатда ҳам суғурта шартномаси (полиси) муддатидан олдин қилинганда суғурта мукофотининг қолган қисми қайтарилмайди.
- 6.12. Агар суғурта шартномаси (полиси) тузилгандан кейин Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига аввалдан нотўғри эканлиги маълум бўлган ахборотларни тақдим этганлиги аниқланса, Суғурталовчи суғурта шартномасини (полисини) ҳақиқий эмас деб тан олинишини талаб қилишга ҳақли. Бунда тўланган суғурта мукофоти қайтарилмайди.

7-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 7.1. Суғурта қилдирувчи/Наф олувчининг ҳуқуқлари:
- Суғурталовчи билан келишган ҳолда ушбу Қоида ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиши;
 - Ушбу Қоида бўйича Суғурталовчидан маслаҳатлар олиши;
 - Суғурта полиси йўқолган тақдирда унинг дубликатини олиши.

7.2. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

- а) ушбу Қоида билан белгиланган тартиб ва муддатда суғурта мукофотини тўлаши;
- б) суғурталанган транспорт воситасини ёнғинга қарши қоидаларга тўлиқ мос ҳолатда сақлаши, назоратчи идораларнинг талаблари ижросини таъминлаши, фойдаланиш бўйича тегишли қоидаларга амал қилиши;
- в) ушбу Қоида тузаётганда ариза-сўровномада кўрсатилган, ўзига маълум бўлган тавсилотлардаги ўзгаришлар ҳақида, агар бу ўзгаришлар қалтислик даражасига сезиларли таъсир қилса, дарҳол хабар бериши;
- г) ушбу Қоида доирасида Суғурталовчидан суғурта товонини тўлаш ҳақида талабга асос бўлиши мумкин бўлган воқеа содир бўлганда Суғурталовчини у содир бўлганлиги ҳақида ушбу Қоиданинг 8.1-бандида кўрсатилган муддат ва услубда хабардор қилиши;
- д) Суғурталовчи даъвони кўриб чиқиш ва регресс талабини амалга ошириш мақсадида талаб қилиши мумкин бўлган барча ҳаракатлар ва амалларни Суғурталовчининг ҳисобидан бажаришга рози бўлиши;
- е) ушбу Қоида амалда бўлган муддатда Суғурталовчидан олинган ахборотни сир сақлаши, Суғурта қилдирувчи ва/ёки Наф олувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат идораларига ахборот тақдим этиши шарт бўлган ҳолатлар бундан мустансо.

7.3. Суғурталовчининг ҳуқуқлари:

- а) суғурта ҳодисаси содир бўлиши эҳтимолини камайтиришга йўналтирилган олдини олиш чораларини амалга ошириши;
- б) суғурта ҳодисаси содир бўлиши қалтислиги даражасини тавсифловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилиши. Ушбу Қоида амалда бўлган муддатда қалтислик даражаси ўзгарган тақдирда, шарт-шароитдан келиб чиқиб, суғурта мукофоти миқдори оширилиши ёки камайтирилиши мумкин;
- в) Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи тақдим этган ҳужжат ва ахборотни ҳақиқий эканлиги/ростлиги/объективлиги нуқтаи назаридан, шунингдек Суғурта қилдирувчи ушбу Қоида шартларини бажаришини текшириши;
- г) Суғурта қилдирувчи/Ҳайдовчи ва/ёки Наф олувчи ушбу Қоида бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда суғурта товони тўловини рад этиши;
- д) ушбу Қоиданинг 8.1-бандида кўрсатилган ҳужжатларни ҳаммасини талаб қилмасдан ҳам воқеани суғурта ҳодисаси деб тан олиш ёки олмаслик (ёки суғурта товони тўловини рад этиш) ҳақида қарор қабул қилиши;
- е) суғурта мукофоти (ёки унинг қисми) ушбу Қоидада келишилган муддатда тўланмаган тақдирда суғурта шартномаси (полиси) амал қилишини бир томонлама бекор қилиши ҳамда натижада Суғурта шартномаси (полиси) амал қилиши тўлов муддати тугаган пайдан бошлаб (мазкур навбатдаги тўлов амалга оширилиши лозим бўлган санадан эътиборан) тугайди ва ўз юридик кучини йўқотади (автоматик тарзда бекор бўлади) ҳамда Суғурталовчи учун суғурта товонини тўлаш мажбуриятини келтириб чиқармайди.

7.4. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

- а) ушбу Қоидада белгиланган муддатда Суғурта полисини бериши;
- б) барча зарур ҳужжатларни олиб, суғурта ҳодисасини тан олгандан кейин ушбу Қоидада келишилган миқдор ва муддатда суғурта товони тўловини амалга ошириши;
- в) Суғурта қилдирувчига ушбу Қоида бўйича маслаҳатлар бериши;
- г) ушбу Қоида амалда бўлган муддатда Суғурта қилдирувчи ва/ёки Наф олувчидан олинган ахборотни сир сақлаши, Суғурта қилдирувчи ва/ёки Наф олувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат идораларига ахборот тақдим этиши шарт бўлган ёки ушбу қоида бўйича ахборотни ошкор қилишга Суғурта қилдирувчининг ёзма рухсати бўлган ҳолатлар бундан мустансо.

8-БЎЛИМ. СУҒУРТА ДАЪВОСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

- 8.1. Суғурталовчидан суғурта товонини тўлаш бўйича талабга асос бўлиши мумкин бўлган воқеа содир бўлса, Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи/Ҳайдовчи қуйидагиларни амалга ошириши шарт:
 - дарҳол содир бўлган воқеа тўғрисида мутасадди идораларга (йўл ҳараркати хавфсизлиги, ёнғин

хавфсизлиги, ички ишлар идораларига ва б.) хабар қилиши;

- имкони бўлиши биланоқ дарҳол, лекин 72 соатдан кечиктирмасдан Суғурталовчини бу ҳақда хабардор қилиши ва воқеа содир бўлгандан кейин 5 (беш) иш куни ичида Суғурталовчига воқеа жойи, сабаби ва тавсилотлари кўрсатилган ёзма хабарномани йўллаши.

Суғурта товони тўлови тўғрисидаги аризага қўйидаги ҳужжатлар илова қилишини шарт:

- а) Суғурта полиси;
- б) Ҳайдовчилик гувоҳномаси;
- в) Транспорт воситасини рўйхатга олиш тўғрисида гувоҳнома;
- г) Ишончнома ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи бошқа ҳужжат;
- д) Воқеа сабаби ва тавсилотларини кўрсатган ҳолда содир бўлган воқеани тергов қилишга ваколати бор мутасадди идоралардан тегишли маълумотнома;
- е) Баҳолаш фаолиятини амалга оширишга лицензияси бор баҳоловчи ташкилот томонидан барча ишлар, эҳтиёт қисмлар ва материаллар кўрсатилган моддий зарарни баҳолаш бўйича ҳисоб-китоб.
- ж) суғурта товони тўлаш ва зарар миқдорини аниқлаш учун Суғурталовчи талаб қилган бошқа ҳужжатлар;

Ушбу Қоиданинг 8.1 «а» - «е» бандларида назарда тутилган ҳужжатлар улардан нусха кўчирилиб, тақдим этилган ҳужжатлар ҳақиқий эканлиги тасдиқлангандан кейин Суғурта қилдирувчига қайтарилади.

8.2. Суғурта қилдирувчи ҳар қандай йўқотиш ва/ёки шикастланиш ҳақида хабар қилганда Суғурталовчи ўз ходимини ёки бошқа шахсни содир бўлган воқеанинг тури, сабаби ва тавсилотларини батафсил ўрганиш учун юборишга ҳақли.

8.3. Барча зарур ҳужжатларни ва ушбу воқеага алоқадор тавсилотларни ўргангандан сўнг Суғурталовчи содир бўлган воқеани суғурта ҳодисаси деб тан олиш ёки тан олмаслик ҳақида қарор чиқаради.

8.4. Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш ёки тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори суғурта қилдирувчига у суғурта товонини тўлашни сўраб мурожаат этганидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши ва рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

8.5. Воқеа содир бўлганлиги муносабати билан жиноий иш, фуқаролик иши ёки маъмурий иш қўзғатилган тақдирда Суғурталовчи мутасадди идоралар тегишли қарор чиқаргунга қадар тўланадиган маблағлар ҳақидаги қарорини кейинга қолдиришга ҳақли.

8.6. Суғурта ҳодисаси содир бўлганлигини, шунингдек етказилган зарарларни исботлаш Суғурта қилдирувчи ва Наф олувчи зиммасида.

8.7. Суғурта воқеасининг тавсифи ва тавсилотларидан келиб чиқиб, Суғурталовчи ушбу Қоиданинг 8-бўлимида кўрсатилган ҳужжатларнинг ҳаммасини ҳам талаб қилмасдан содир бўлган воқеани тан олиш ёки тан олмаслик (суғурта товони тўловини рад этиш) тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

9-БЎЛИМ. СУГУРТА ТОВОНИ ТЎЛОВИ

9.1. Суғурталовчи суғурта товони тўловини суғурта ҳодисасини тан олиб, Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатномани имзолагандан кейин 10 (ўн) иш куни ичида амалга оширади.

9.2. Суғурталанган транспорт воситасидан маҳрум бўлиш ёки уни шикастланишида товон тўлаш тартиби.

Суғурталовчи содир бўлган воқеани суғурта ҳодисаси деб тан олган тақдирда қўйидаги коидаларга риоя қилган ҳолда тўланиши лозим бўлган суғурта ҳодисасининг миқдори аниқланади:

9.2.1. транспорт воситаси олиб қочилган ёки тўлиқ нобуд бўлган тақдирда – Суғурталовчи транспорт воситаси суғурталанган суғурта пулини тўлайди.

9.2.2. Суғурталанган транспорт воситаси шикастланган тақдирда Суғурталовчи баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияси бўлган баҳоловчи ташкилот тузган моддий зарарни баҳолаш наряд-буйуртма/ҳисоб-китоб миқдориди, агар Шартнома билан франшиза ўрнатилган бўлса, франшизани чегириб қолган ҳолда, лекин ушбу Қоиданинг 1-иловасида кўрсатилган суғурта пулидан ошмаган миқдорда суғурта товони тўлайди, аммо суғурта ҳодисаси содир бўлиши натижасида транспорт воситасига етказилган зарарни баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун лисензияга ега баҳоловчи ташкилот амалга оширган баҳолаш билан боғлиқ харажатлар қопланмайди;

1-махсус қўшимча шарт:

Ушбу билан Шартнома бўйича томонлар ушбу Қоидага мувофиқ Суғурта қилдирувчи / Наф олувчи/Ҳайдовчининг суғурталанган транспорт воситасини ўзгартириш/ такомиллаштириш/янгилаш билан боғлиқ харажатлари қопланмаслигини тасдиқлайдилар ва бунга рози бўладилар;

2-махсус қўшимча шарт:

Ушбу билан Шартнома бўйича томонлар ушбу Қоидага мувофиқ суғурта ҳодисаси ёки ҳар қандай зарар ва/ёки об-ҳаво омиллари таъсири оқибатида суғурталанган транспорт воситаси товар кўринишини йўқотиши қопланмаслигини тасдиқлайдилар ва бунга рози бўладилар.

3-махсус қўшимча шарт:

Суғурталовчи шунингдек қуйидаги харажатларни қоплайди:

а) суғурта ҳодисасидан келиб чиққан ва ҳужжатлар билан тасдиқланган, транспорт воситасини таъмирлаш жараёнида аниқланган яширин шикастларни бартараф этиш билан боғлиқ харажатлар;

б) суғурта ҳодисаси содир бўлиши натижасида транспорт воситасига етказилган зарарни баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга баҳоловчи ташкилот амалга оширган баҳолаш билан боғлиқ харажатлар;

9.3. Суғурта товонини тўлаш:

9.3.1. Суғурта товони Суғурта қилдирувчига ёки Наф олувчига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тўланади. Бунда Наф олувчи Суғурта қилдирувчининг Наф олувчи олдидagi кредит бўйича қарздан ошмаган миқдорда суғурта товони олиш ҳуқуқига эга бўлиб, суғурта товонининг қолган қисми Суғурта қилдирувчининг зарарларини қоплаш бўйича харажатларни қоплашга йўналтирилади.

9.3.2. Барча ҳолатларда, агар Шартнома билан франшиза ўрнатилган бўлса, суғурта товони миқдори белгиланган франшиза миқдорини чегириб қолган ҳолда ҳисобланади.

9.3.3. Агар ушбу Қоида бўйича суғурта пули Шартнома тузилаётган кундаги суғурта қийматидан кам миқдорда ўрнатилган бўлса, Суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурта қилдирувчи/Наф олувчига етказилган зарарларни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 936-моддасига мувофиқ, суғурта пулининг суғурта қийматига мутаносиб бўлган нисбатда қоплаши шарт.

9.3.4. Ушбу Шартнома бўйича суғурта товони олувчининг банк ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш орқали тўланади.

9.3.5. Агар зарар миқдори суғурта воқеасида айбдор томонидан тўлиқ қопланган бўлса ва/ёки қопланадиган бўлса, Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи суғурта товонига бўлган ўз ҳуқуқини йўқотади.

9.3.6. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурталовчи амалга оширган суғурта товонининг ҳар бир тўлови, агар Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта пулини тиклаш учун қўшимча мукофот тўланмаса, Суғурталовчи мажбуриятлари чегарасини ушбу тўлов миқдорида камайтиради.

Суғурта товони тўлови оқибатида Суғурталовчининг мажбуриятлари камайиши суғурта товонини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 936-моддасининг талабларини инобатга олиб тўлашга асос бўлмайди.

9.4. Суғурта товонини тўлиқ ёки қисман тўлаган Суғурталовчига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу маблағ чегарасида зарар етказилганлиги учун жавобгар шахсдан талаб қилиш ҳуқуқи ўтади, жавобгар шахс Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчи бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

9.5. Барча ҳолатларда суғурта товони ушбу Қоидада келтирилган суғурта пулидан ортиқ бўлмаслиги шарт.

9.6. Суғурталовчи суғурта товонини тўлагандан кейин Суғурталовчи/Наф олувчи/Ҳайдовчи айби билан содир бўлган суғурта ҳодисалари бўйича томонларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 957- ва 1001-моддалари талаблари қўлланилмайди.

10-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

10.1. Томонлар ўз зиммаларига қабул қилган мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

10.2. Суғурта қилдирувчига тегишли суғурта товонини кечиктирилганлиги учун Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган маблағнинг 0,2% миқдорида, лекин ушбу

Қоида бўйича тўланиши лозим бўлган маблағнинг 10% идан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

10.3. Агар Томонлар ушбу Қоида бўйича ўз мажбуриятларини бажара олмасликлари енгиб бўлмас куч (форс-мажор) шарт-шароити сабабли юзага келса, улар жавобгарликдан озод бўладилар. Енгиб бўлмас куч таъсирида бўлган томон бошқа томонни бундай шарт-шароит юзага келганлиги ва тахминан қанча давом этиши мумкинлиги тўғрисида бир-бирларини дарҳол хабардор қилишлари шарт. Бунда Томонлар ушбу Қоиданинг бажарилган ва бажарилмаган қисмлари юзасидан ўрнатилган тартибда яқуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

11-БЎЛИМ. БАҲСЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

11.1. Ушбу Қоидада келтирилган масалалар юзасидан баҳслар, талаблар ёки келишмовчиликлар юзага келган тақдирда томонлар уларни музокаралар йўли билан ҳал этиш чораларини кўрадилар.

11.2. Ушбу Қоидадан келиб чиққан баҳслар, келишмовчиликлар ёки талаблар, шу жумладан унинг ижроси, бузилиши, тугатилиши ёки ҳақиқий эмаслиги музокаралар йўли билан ҳал этиб бўлмаса, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

12- КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

12.1. Тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда уларнинг ҳар бири ўз фаолиятида коррупсион ҳаракатларни тўлиқ таъқиқлаш ва ҳар қандай шаклда ёрдам (бевосита ёки билвосита), шу жумладан пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар, бошқа мол-мулк ёки мулкый характердаги хизматлар, бошқа мулкый ҳуқуқларни олиш/бериш, муайян масалаларни тезроқ ҳал қилишни таъминлаш, маъмурий ва бошқа тартиб-қоидаларни соддалаштириш, рақобат ва бошқа афзалликларни таъминлашни тўлиқ рад этади. Томонлар ўз фаолиятида амалдаги қонунчилик, шунингдек унинг асосида ишлаб чиқилган коррупсияга қарши курашишга қаратилган сиёсат ва тартиб (агар мавжуд бўлса) талабларига амал қиладилар.

12.2. Тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш чоғида на ўзлари, на ижроия органи, на уларнинг масабдор шахлари ёки ходимлари бирон-бир шахсларга (жумладан, жисмоний шахслар, тижорат ташкилотлари ва давлат мансабдор шахслари) коррупсион тўловларни тақдим этишни таклиф қилмаслигини, тақдим етмаслигини, розилик бермаслигини, шунингдек ҳар қандай шахсдан (тўғридан-тўғри ёки билвосита) ҳар қандай коррупсион тўловларни олишга ёки қабул қилишга рози бўлмасликларини кафолатлайди.

12.3. Мазкур бўлимнинг бирон бир шартлари бузилган тақдирда, тегишли тараф бошқа тарафни бундай бузилиш содир бўлган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади. Тараф ёзма хабарномада ушбу бўлимнинг қайси бир қоидалари бузилганлигини тасдиқловчи ишончли фактлар ва материалларни тақдим қилиши шарт.

14.2. Ушбу бўлим қоидалари тарафлардан бири томонидан бузилганлиги факти тасдиқланганда ва/ёки бошқа тарафнинг қоидабузарликларни кўриб чиқиш ҳақида хабарнома натижалари юзасидан маълумот тақдим қилмаган тақдирда, бошқа тараф шартномани бир тарафлама қисман ёки тўлиқ бекор қилишга ҳақли.

12.5. Мазкур шартномани коррупсияга қарши шартларга асосланиб бекор қилган тараф, бундай бекор қилиш натижасида етказилган ҳақиқий зарарни талаб қилишга ҳақли. Зарарларни қоплаш тарафлар томонидан ёзма равишда тасдиқланаган далолатномада белгиланган муддат ва миқдорда амалга оширилади.


13-БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

13.1. Ушбу Қоидада барча қўшимчалар ва ўзгаришлар, шунингдек уни узайтириш ёки тугатилиши томонларнинг розилиги билан ёзма шаклда амалга оширилиши, Кредит шартномаси/келишувига оид ўзгаришлар бўлганда, бекор қилинганда ёки тугатилганда эса Суғурта қилдирувчи ва Наф олувчи томонидан унинг ўзгариши/бекор бўлиши/тугатилиши пайтидан бошлаб 10 (ўн) банк куни ичида Суғурталовчи хабардор қилиниши шарт.

13.2. Суғурталанган транспорт воситасига бўлган ҳуқуқлар Наф олувчига ёки бошқа шахсга ўтган тақдирда ушбу Қоида бўйича Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Наф олувчига ёки суғурталанган транспорт воситасига бўлган ҳуқуқлар ўтган масъул шахсга ўтади.

13.3. Ушбу Қоидада тартибга солинмаган ўзаро муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.



Ҳорист, 

Кредит маблағлари таъминоти учун
гаровга қўйилаётган автотранспорт
воситаларини суғурталаш
Қоидасига
1-илоvasи

1-ҚИСМИ. Умумий маълумотлар:		
1	Суғурта қилдирувчи	
2	Гаровга қўювчи	
3	Суғурта қилдирувчи манзили	
4	Суғурта шартномасининг муддати	
4.1	Суғурта муддати	
5	Наф олувчи	
6	Суғурта қилдирувчи ва Наф олувчи ўртасида шартномалар (кредит шартномаси, лизинг шартномаси ва ш.ў.)	
7	Ўзаро ҳисоб-китоб валютаси	
8	Суғурта ҳудуди	
2-ҚИСМИ. Транспорт воситаси тўғрисида маълумот илова қилинади:		
1	Русуми *	
	Давлат рақами №*	
	Ишлаб чиқариш йили*	
	Техник паспорти ва санаси №*	
	Кузов рақами*	
	Шасси рақами*	
	Двигател рақами*	
	Франшиза*	
3-ҚИСМИ. Умумий суғурта пули:		
Шартнома бўйича умумий суғурта мукофоти:		
4-ҚИСМИ. Суғурта мукофоти тўлови:		
Суғурта мукофоти қуйидаги тартибда тўланади		

СУГУРТАЛОВЧИ	СУГУРТА ҚИЛДИРУВЧИ	ГАРОВГА ҚЎЮВЧИ	НАФ ОЛУВЧИ
«MY-INSURANCE» АЖ СТ	<i>Қоида шартлари билан танишиб чиқдим Фуқаро:</i>	<i>Қоида шартлари билан танишиб чиқдим Фуқаро:</i>	
_____ м.ў. ИМЗО	_____ ИМЗО	_____ ИМЗО	_____ м.ў. ИМЗО

Кредит маблағлари таъминоти учун
гаровга қўйилаётган автотранспорт
воситаларини суғурталаш
Қоидасига
2-иловаси

**Тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредит маблағлари таъминоти учун
гаровга қўйилаётган автотранспорт воситаларини суғурталаш
СУГУРТА ПОЛИСИ № __/__/__/_____**

1. Суғурта қилдирувчи			
2. Суғурта қилдирувчининг манзили, телефон рақами			
3. Транспорт воситаси маркаси			
4. Транспорт воситасининг нархи			
5. Транспорт воситаси тўғрисида маълумот	Русуми*		
	Давлат рақами №*		
	Ишлаб чиқариш йили*		
	Техник паспорти ва санаси №*		
	Кузов рақами*		
	Шасси рақами*		
	Двигател рақами*		
6. Наф олувчи			
7. Суғурта рисклари, суғурта суммаси ва мукофоти	Суғурталанган рисклар	Суғурта суммаси	Суғурта мукофоти
	ТВ нинг йўқолиши ёки шикастланиши.		
8. Шартсиз франшиза			
9. Суғурта даври:	Транспорт воситасини йўқотилиши ёки шикастланиши бўйича: транспорт воситаси сотиб олинган ва рўйхатдан ўтказилган пайдан бошлаб 20__ йил "__" _____гача (муддати тугагунга қадар) кредит шартномасининг амал қилиш муддатининг охиригача.		
10. Кутиш даври:	15 (ўн беш) кун.		
«MY-INSURANCE» АЖ СТнинг суғурта товони тўлаш бўйича мажбуриятлари суғурта мукофоти келиб тушган кундан кучга киради ва 20__ йил "__" _____гача амалда бўлади (иккала муддат киритилган ҳолда).			
Суғурталовчи номидан:			
_____		_____	_____
		(имзо) м.п.	
			"__" _____ 20__ й.